

**МАЪНАВИЯТ – ТАФАККУР ВА ТУЙҒУНИНГ УЙҒУНЛИГИ.**

Ботир Эргашев

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос
илмий-тадқиқот институти директори Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоир<https://doi.org/10.5281/zenodo.14866074>**ARTICLE INFO**

Received: 11th February 2025

Accepted: 12th February 2025

Published: 13th February 2025

KEYWORDS

*Маънавият, маданият, китоб,
маърифат, жаҳид, мафкура, таълим,
тарбия.*

ABSTRACT

*Мақолада миллатни маърифат,
маданият ҳамда китобсеварлик ила
тарбиялаш кераклигида фикр юритилиб.
Юртбошимиз томонидан бу жабхада
қилинаётган ва юритаётган фаолиятидаги
фикрларни келтириб, ёш авлодни нажот-
нур илмда эканлиги айтилиб ўтилади.*

Жаҳид боболаримиз юз йил аввал маънавият – инсон руҳий мувозанатини тутиб турувчи муҳим таянч эканини таъкидлаган эди. Маънан юксалиш учун аввало, маънан покланиш лозим бўлади. Бу каби эзгу мақсадлар ва унинг амалий кўриниши, шубҳасиз, аввалига инсон руҳиятини тарбияласа, кейинчалик у бутун жамиятга ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Билакс, маънавий мувозанатнинг бузилиши фақатгина шахснинг эмас, балки бутун жамият таназзули билан якун топишини мозий сардафтаридан то бугунги реал ҳаёт кундаликларида ҳам истаганча топиш мумкин. Зеро, сув ва ҳаво инсон ҳаёти учун қанчалик зарур бўлса, маънавият ҳам шу қадар аҳамиятли. Айниқса, бу жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч – ёшлар маънавий камолоти билан боғлиқ бўлса, долзарблилиги икки ҳисса ошиб кетади. Чунки у жамиятнинггина эмас, балки тўғридан-тўғри давлатнинг эртанги кунда ўз ифодасини топади.

Шукрки, юртимизда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, аҳолининг зиёли қатламини кенгайтириш, умуман – маърифатли жамият қуришдек улкан мафкура устувор. Бу борада аллақачон амалий ишлар йўлга қўйилган, маънавият масканларининг нури энг чекка қишлоғу овулларгача етиб бормоқда. Инчинун, бугун энг катта зиддиятлар, керак бўлса, жанглар айнан мафкуралар полигониде кечаётгани, ким, қайси кучлар инсонларнинг онгини, руҳиятини забт этса, ўша худудда атом бомбаси портлагандан кўра кўрқинчироқ зарар, вайронагарчилик кузатилаётгани ҳеч биримизга янгилик бўлмай қолди. Бундай жамиятда маънавий иммунитет ҳосил қилган фуқароларгина ўзлигини, ному насабини сақлаб қола олади, миллатини, иймон-эътиқодини йўқотмайди. Аксинча бўлса, ватан тупроғини ёвдан то сўнги қони қолгунча ҳимоя қилиш ўрнига унинг дарвозаларини ўз қўллари билан ланг очиб беради...

Мен юртимизнинг улкан бир маърифий ташкилоти – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича масъул вакили сифатида кўпроқ мутаассир бўлиб ўтирдим. Ўзим учун жуда кўплаб вазифаларни, келгуси йилга мўлжалланган режаларни ёзиб, тузиб олдим.

Мамлакатимиз раҳбари қандай тадбир ёки йиғилиш бўлмасин, китобхонлик ҳақида, китобнинг маънавий таъсири, жозибаси ҳақида куюниш билан сўзлайди. Ҳатто бу борада алоҳида кўрик-танлов ташкил этилиб, унинг ғолибларига автомобиль совға қилинаётгани айнан Президент ташаббусларининг бир ифодасидир.

Шу куни ҳам Юртбошимиз раҳбарлар доимий мутолаа қилиши, китобхон бўлиши тўғрисида гапирди. Китоб ўқимаган раҳбар билан китоб ўқиган раҳбарнинг фарқи ҳар жабҳада яққол кўзга ташланишига ишора қилди.

Китоб нима? Китоб, аввало, адабиёт! Инсоннинг нақадар олижаноб хилқат эканини, ҳаёт ва муҳаббат ҳақидаги ҳақиқатларни, тимсолларни бадиий ўзанда ифодаловчи, башарнинг энг нозик торларини чертувчи – яратилиш моҳиятини татқиқ этувчи, одамзотни уйғотувчи куч, таъсир мўъжизаси – бу адабиёт! Адабиётнинг асоси эса, шубҳасиз миллатнинг маънавиятидир. Шунинг учун ҳам бундан юз йил аввал жадид бобомиз Абдулҳамид Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшайди!”, деб хитоб қилган, деб ўйлайман.

Ёшлар тарбияси, камолоти ёки заволи сингари масалалар бир бугуннинг бошоғриғи эмас. Ҳамма жамиятларда ҳам, ҳамма замонларда ҳам бу ўрганилган, чоралар изланган, минглаб тажрибалар қилиб кўрилган масала. Лекин уларнинг бирортаси адабиёт ва санъатчалик самара бермаган экан.

Нега шундай? Ўзимча кўп ўйлайман. Санъатнинг, адабиётнинг қандай сирли кучи, қудрати бор эканки, у инсон қалбини, шуурини бошқарса, йўналтирса?! Бинобарин, адабиёт сўзининг ўзагини “одоб-ахлоқ”, “тарбият” билан боғланиши барчага маълум. Санъат — бу яратик, меҳнат-машаққат, жамиятнинг олд вакилига айланиш учун тинимсиз интилиш эканини ҳам сизу бизга эслатиш шарт эмас, назаримда.

Шунинг учун ҳам ёшларнинг қалам тутиб, баҳолиқудрат шеърятга, насрчиликка, таржимачиликка ёки адабиётнинг бошқа йўналишларига ўзини уриб, шу билан овунаётганини кўрсам, енгил тортаман, уларнинг бошқа “йўллар”ни танлаши ҳам мумкин эканини ўйлайман. Йўқ, адабиётсевар боладан, санъатсевар боладан ёмонлик чиқмайди. Аксинча – улар кўплаб ёмонликларнинг олдини олиши, ўз дўстларини ўзи каби эзгуликка чорлаши мумкинлигига ишониб, хотиржам бўламан.

Тўрт-беш йиллик фаолиятим давомида ўнлаб ёш ижодкорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини биргаликда ечиб, амин бўлдимки, ёшлар биздан озгина бўлса-да, эътибор кутади. Эътибор бу – мақтов ёки моддий рағбат эмас, шунчаки уларнинг сафда борлигини тан олиш, шаштини сўндирмаслик, парвоз этишлари учун имкон қадар осмон яратиш, ҳеч бўлмаганда, ҳалал бермаслик ва ҳоказо...

Дарахтнинг ёш навдалари қуёш томонга талпиниб ўсганидек, ёшлар ҳам ўзи учун нур, деб билан томонга интилиб улғаяди. Афсуски, бугун ўзини “зиё”, деб атаб, пировардида ёш авлодни мутлақо зулматнинг зулматига олиб кираётган ёвуз қатламлар ҳам йўқ эмас. Биз эътибордан четга қолдирган, жамиятдан узилиб қолган ёшлар айнан ўшаларнинг қармоғига осонгина илиниб қолаётганини ҳам онда-сонда гувоҳи бўлаётганимиз, бор гап. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан жойларда бугун айнан шундай ўғил-қизларимизга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу “уюлмаган ёшлар” деган иборанинг оммалашувига хизмат қилди.

Адабиёт кишилари орасида кўп айтиладиган бир нақл бор – истеъдодларга туртки керак, қўллаб-қувватлов керак. Уюшмада энди фаолият бошлаганимда бир-икки танишларим “Фалончилардан эҳтиёт бўлинг”, - деб “огоҳлантирганди”. Билсам, улар билан аввалги масъуллар ҳам масофа сақлаган, кимларнингдир таърифи таяниб, хулоса чиқарган экан. Айнан ўша йигитлар билан атайин ака-ука бўлиб очик бағирлик билан гаплашдим. Ишонинг, жудаям оз фурсатда улар ҳақидаги негатив хулосалар сароб экани ойдинлашди. Бугун улар билан бир жамоамиз, бирга кўп лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз.

Шу ишлардан кейин, демак, биз ёшлар деганда, ўзимизнинг манфаатни эмас, уларнинг хошиш-иродаси, феъл-атворини ҳам ўйлашимиз, адолат тарозусига солишимиз лозим экан, деган хулосага келдим...

Ўрнатилган Президентимиз маъруза қиларкан, ҳудудларда маънавиятга панжа орасидан, паст назар билан қараётган раҳбарлар ҳам бор эканини афсус билан таъкидлаб, бундай ёмон муносабат бундан буён кечирилмаслигини алоҳида таъкидлади. Зеро, маънавиятга беписандлик бу аввало, миллатнинг бугунига, эртасига бўлган беписандликдир. Бу эса давлатга, халққа, эгаллаган лавозимига хиёнатнинг айнан ўзидир!

Давлатимиз раҳбари маънавият билан боғлиқ масалалар юзасидан гапираркан, қилинган ва қилинажак, эришилган ва натижаси кутилаётган ишларни рақамлар билан аниқ-равшан қилиб айтиб берди. Бу рақамларда залвор бор, кўнгилларни хушнуд этувчи муждалар бор.

Мазкур тадбирда бевосита иштирок этган ижодкор сифатида мени хурсанд қилган мавзулар хусусида соатлаб гапиришим мумкин. Маънавият, хусусан, адабиёт бевосита она тилимиз – ўзбек тили ривожини, унга бўлган эътиборнинг кўламини билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўртбошимиз юртимизда келаси ўқув йилидан бошлаб миллий сертификатни қўлга киритган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари маошига қўшимча 50 фоиз устама тўланиши, шунингдек, ўзбек тили бўйича халқаро олимпиадалар ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлар пул мукофоти билан рағбатлантирилишидан ташқари, нуфузли олий ўқув юртарининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинишини айтганида, кўзимга қувонч ва ғурур ёшлари келди. Ҳам ёшлар масаласига дахлдор бир масъул ходим, ҳам ижодкор сифатида, қолаверса, тўрт фарзанднинг отаси сифатида кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди. Ёшларимизга, ўзимизнинг зиёлиларимиз – азиз муаллимларга берилаётган мана шундай имкониятлар, оталарча қўллаб-қувватлов бугун ҳар қачонгидан ҳам зарур эканини яна бир қарра англадим. Бу саъй-ҳаракатлар тез орда албатта ўз мевасини бермай қолмайди.

Президентимиз маънавият борасида жўшиб, куюниб маъруза қиларкан, бу учун “иқтисодий қувват” зарурлигини эслатди. Бу қувватнинг ошиши шоир-ёзувчиларнинг фаоллигини, садоқатини ҳам тақазо этади. Агар бунга ёшларимизни кенгроқ жалб этсак, бугундан уларнинг шуурини ватан, юрт, миллат қайғуси билан суғорсак, жадидларимиз билан тўхтаган адабиёт яна уйғонади, яна оёққа туради! Бунинг учун уларга жамиятимизнинг барча қатлами илҳом бериб туриши зарур. Илҳом — бу рағбат, илҳом — бу эътибор, илҳом — бу сўз ва ижод эркинлигидир!

Шукрки, муҳтарам Президентимизнинг ғоялари, ташаббуслари айнан шу жиҳатларни ўзида тўла қамраб олган. Буни асослаш учун ҳар йили ўнлаб ёш қаламкашларнинг “Биринчи китобим” лойиҳасида ўн минглаб китоблари чоп этиб, бепул тарқатилаётгани ёки республикамиз ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарида юзлаб иқтидорли ўғил-қизларимиз кашф этилаётгани ва бошқа имтиёзлар, ёшлар салоҳиятини юзага чиқарувчи ажойиб лойиҳалар ҳақида ортиқча тўхталиб ўтирмақчи эмасман. Чунки бу жараёнларни сизу биз ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб келаяпмиз.

Ижодкор бир марта яшайдиган умрини бадий ижодга бағишларкан, ёзганлари китоб шаклида ўз ўқувчиларига етиб боришини юрак-юрагидан истайди. Бироқ китоб чоп этишнинг ҳаммага маълум бўлмаган машаққатли томонлари, кўзга кўринмас чиғириқлари бор. Бугун аксарият босмаҳоналарни қоғоз муаммоси, қоғоз захираси ўйга толдирган. Мамлакатимизда қоғоз импорт маҳсулот бўлгани, унга дунё миқёсида эҳтиёж ортиб бораётгани, бу эса ўз-ўзидан китоб тан нархига таъсир ўтказаяётгани сабаб бўлмоқда.

Юртбошимиз мазкур муаммога ҳам яхшигина ечим топиб берди. Яъни келгусида китобхонликка эътиборни янада ошириш, халқимизни бадиий адабиётга бўлган талабини етарли даражада қондириш борасида ноширлик фаолиятини жадал суратларда ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун янги йилдан бошлаб, нашриёт ва босмаҳоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этиладиган бўлди! Бундан ташқари, ноширлик билан шуғулланадиган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилиши кўз тутилгани қувончимизни юз карра оширди.

Бундай жамиятда энди ёзиш, жўшиб-тошиб, қайнаб-яйраб ижод қилиш керак, холос. Ўз асарларимиз, фаоллигимиз, ватанга, халққа бўлган меҳримиз, садоқатимиз билан бу яхшиликларга жавоб беришимиз талаб этилади. Бугун, энг муҳими, ёшлар энг олдинги сафда бўлиши, оғирликни ўзига олиб, катта мақсадлар сари дадил интилишига монелик қиладиган сабаб қолмади.

Мухтасар айтсам, мазкур тарихий йиғилишда маънавият ва маърифат билан адабиёт, саънат, маданият аслида бир, яқдил соҳалар эканини яна бир карра илғадик. Жамиятни камолотга бошлашда, ҳар бир инсоннинг маънавий қарашларини ўзгартириш, маърифий шуурини янгилашда адабиёт ҳам, маданият ҳам бирдек жавобгар эканини ангадик. Ҳолбуки, Юртбошимиз айтганидек, биз шундай мураккаб йўлни танладик, энди ортга йўл йўқ. Боболаримиз бошлаб берган тамаддунларнинг навбатдагиси — Учинчи Уйғонишга айнан биз зиёлилар ортимиздан келаётган ёшлар оқими билан олтин пойдевор қўйишимиз зарур! Бунинг учун бир халқ, бир миллат бўлиб, бутунлай ўзгача бўлган чинакам Янги Ўзбекистонни барпо этмоғимизга асло шубҳам йўқ.

INNOVATIVE
ACADEMY